

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИФУҚАРОЛАРГА ДАВЛАТ
ПЕНСИЯЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ
ЖАРАЁНИНИ СОДДАЛАШТИРИШ
ҲАМДА ПЕНСИЯ ВА НАФАҚАЛАРНИ
ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТИЗИМИНИ
ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, қариялар ва кекса ёшдагиларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш, фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш ва соҳада мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда давлат пенсияларини тайинлашда 30 турдаги ҳужжат талаб этилади ҳамда уларни тақдим этишга масъул 14 дан ортиқ вазирлик ва ташкилотларда идоравий ахборот тизимлари, электрон ресурс ва маълумотлар базалари мавжуд эмаслиги қоғоз шаклида иш юритишдан воз кечиш ва ҳужжатларни йиғиш жараёнини рақамлаштиришга тўқинлик қилиб келмоқда.

Давлат пенсияларини ҳисоблаш учун зарур маълумотлар электрон базасини шакллантириш, ушбу жараёни соддалаштириш, фуқароларнинг овозгарчиликларини бартараф этиш, пенсия ва нафақаларни етказиб бериш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, мазкур йўналишда соғлом рақобат муҳити ва замонавий стандартларни жорий этиш мақсадида:

1. Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг қуйидаги тақдирларига розилик берилсин:

а) **2022 йил 1 январдан** бошлаб: Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси (кейинги ўринларда — Пенсия жамғармаси) томонидан молиялаштириладиган пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсациялар ва бошқа тўловлар (кейинги ўринларда — пенсия ва нафақалар)ни тўлаш **ҳар уч йилда** Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент

шаҳри бўйича алоҳида ўтказиладиган тендер асосида танланган тижорат банки ва бошқа ихтисослашган ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Бунда тендер асосида танланган тижорат банки ёки бошқа ихтисослашган ташкилот билан тузилган шартномага мувофиқ пенсия ва нафақаларни нақд пулда маҳалла фуқаролар йиғинларига, фуқароларнинг яшаш манзилларига етказиб бериш мажбурияти юклатилади; танловда иштирок этадиган тижорат банклари ва бошқа ихтисослашган ташкилотлар томонидан пенсия ва нафақаларни маҳалла фуқаролар йиғини биноси ёки фуқаронинг яшаш манзилга етказиб бериш шартларидан келиб чиқиб, хизмат ҳақи дифференциялаган тартибда пенсия ва нафақалар тўланадиган (етказиб берилган) сумманинг 1 фоизгача миқдорда бўлиши мумкин. Бунда пенсия ва нафақаларни етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар Пенсия жамғармаси ва республика бюджет томонидан тўлаб берилади;

б) **2022 йил 1 июлдан** бошлаб: давлат пенсияларини тайинлашда фуқаролардан меҳнат стаж, иш ҳақи, олий таълим муассасаларидаги ўқиш ҳамда ҳарбий хизмат даври тўғрисидаги ҳужжатларни талаб қилиш бекор қилинади. Бунда, пенсияга чиқиш ҳуқуқи пайдо бўлган чоғида ишламайдиган фуқароларга ўзларининг меҳнат дафтарчаларидаги меҳнат стаж тўғрисидаги маълумотларни Бандликка кўмаклашиш марказларига мурожаат қилиш орқали “Ягона меҳнат миллий тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси (кейинги ўринларда — ЯММТ ИДАК)га киритиш хизмати жорий этилади;

► Давоми 2-бетда

ХОТИРА БОР ЭКАН — МИЛЛАТ БАРҲАЁТ



Акмал САИДОВ,
академик

Уруш қўрган ўша авлод вакиллари яна дейдиларки, “бошинга қилич келса ҳам, рост гапир. Ҳеч қачон бўлинманг, бўлинганни бўри ер. Бирга бўлсангиз, ҳеч ким сизларни енга олмайди. Урушда нимага ғалаба қилдик, чунки барча халқлар миллатидан қатъи назар, бирлашган эдик, ҳатто бир майизни ҳам бўлиб ердик. Бугун эса шу тинч ҳаётни асрашимиз керак. Қийинчиликдан ҳеч қачон қўрқиш керак эмас, уни мардонавор енгиш керак. Ушанда бошқаларга ҳам фойдангиз тегади, ўзингизни ҳурмат қила олсангиз. Бу энг керакли фазилат”.

ҒАЛАБА БОҒИ — ЯНГИ
ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ИНЪИКОСИ

Тошкент шаҳрида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан барпо этилган “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси ана шу ўзбекона фалсафа, таъбир жоиз бўлса, халқона сиёсатнинг амалдаги ёрқин натижасидир. Бундай бунёдкорона ёндашув Янги Ўзбекистоннинг шиддатли ислохотларига хос муҳим хусусият ҳамдир.

Биринчидан. Халқимизнинг Иккинчи жаҳон уруши даврида қонли жанггоҳларда ва фронт ортида қўрсатган қаҳрамонлиги шу қадар юксакки, фашистларга қарши бу урушда қозонилган буюк Ғалабани Ўзбекистонсиз, ўзбек халқисиз асло тасаввур қилиб бўлмайди.

Иккинчидан. Тошкент шаҳрида муҳташам Ғалаба боғи барпо этилиши замирида Ўзбекистон халқининг жанг майдонларида ҳамда фронт ортида қўрсатган бекиёс жасорати ва матонатини тарих саҳифаларига муҳрлаш, ёш авлодни Ватанга

ҒАЛАБА БОҒИ:
ТАШАББУСКОРИ ВА МЕЪМОРИ

Иккинчи жаҳон урушида жасорат қўрсатган ва ўша машаққатли даврда фронт ортида оғир меҳнати билан метин матонатини намоёиш этган ота-боболаримиз 76 йилдан буён бизга ҳаётнинг оддий, аммо пурхикмат бир ҳақиқатини англади, ҳақиқат эзгу дуолар қилиб келади. Яъни “Ҳар нарсага чидаш мумкин, фақат уруш бўлмасин! Урушни биз кўрдик, сизлар кўрманг, илоҳим”.



муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсади мужассам. Бундай улугвор эзгу мақсадни рўёбга чиқариш учун айнан Президентимиз Ғалаба боғи гоёси ва фалсафасининг ташаббускори, муаллифи ҳамда бош бунёдкори бўлиб майдонга чиққан таҳсинга сазовор.

Учинчидан. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “бу бетакрор мажмуа қаҳрамон халқимизга муносиб бўлиб, ҳам меъморий жиҳатдан, ҳам тарихий-маънавий жиҳатдан гоёт ноёб ва маҳобатли обида бўлиб қад ростлади”. Ушбу таърифда Ғалаба боғининг “бетакрор” ва “гоят ноёб” дея эътироф этилгани бежиз эмас.

Чунки камина ҳам дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатда шу мавзуда ташкил этилган боғ ва музейларнинг бир қанчасини ўз кўзи билан кўрган, бошқалари билан эса Интернет орқали атрофича танишган ҳолда, мазкур эътирофнинг моҳиятини чуқур ҳис қилмоқдаман. Янги Ўзбекистоннинг Ғалаба боғи Россия, Беларус, Украина, Австрия, Польша, АҚШ, Исроил каби бир нечта давлатдаги улкан мемориал мажмуаларга мутлақо ўхшамайди.

Тўртинчидан. Янги Ўзбекистоннинг Ғалаба боғи билан ана шу хорижий давлатлар мемориал

мажмуалари ўртасидаги энг муҳим ва асосий фарқ шундаки, хорижий мамлакатларнинг бирортасидаги мемориал мажмуада ўзбек халқининг Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларидаги жасорати ва фронт ортидаги матонати Тошкентда яхлит мажмуа тарзида бунёд этилган Ғалаба боғидаги сингари кенг кўламда, ҳаққоний ва адолатли равишда қўрсатиб берилмаган.

Бу — Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган неча минглаб ватандошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жанглардан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабрбардош билан енгган, машаққатли давларда ҳам ўзлигини асло йўқотмаган, имони бутун юртдошларимизга ҳурмат-эҳтиром ва эъзоз қўрсатиш Ўзбекистонда олий даражадаги миллий қадриятга ва давлат сиёсатига айланганининг ўзига хос ифодасидир.

► Давоми 6-бетда

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

“SADA EL-BALAD”:
Ўзбекистон ҳар бир фуқаросининг
фаровонлиги ҳақида қайғуради

Мисрнинг “Sada El-Balad” газетасида Ўзбекистондаги маҳалла институт, хусусан, ўзбек маҳаллаларининг жамият ривожидидаги ўрни, оилалар фаровонлиги, тинчлик-осойишталикни таъминлаш ва ёшлар тарбиясидаги аҳамияти ҳақида мақола чоп этилди.

“Ўзбекистон ҳар бир фуқаронинг фаровонлиги ҳақида қайғуради” (“Uzbekistan Cares about the Welfare of Every Citizen”) сарлавҳали мақолада

Ўзбекистонда Учинчи Уйғониш даврига пойдевор қўйилаётгани, шу маънода, барча соҳаларда тизимли ислохотлар амалга оширилаётгани тилга олинади.

Жумладан, мамлакатдаги янги тараққиёт ютуқларида Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда бу янги тузилма атрофига бирлашиб, фаолиятини ислохотларга ҳамоҳанг тарзда бошлаган маҳаллаларнинг ўрни ҳақида сўз боради.

► Давоми 2-бетда



“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

Иккинчи жаҳон урушида
қурбон бўлган 101 нафар ўзбек ўғлони
хотирасига бағишланди

Ўзбекистоннинг Бенилюкс мамлакатларидаги элчихонаси вакиллари Нидерландиянинг Амерсфорт шаҳри яқинидаги “Растхоф” қабристонини ҳудудида жойлашган “Совет шараф майдони” хотира мажмуасида Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳалок бўлган аскарлар, шу жумладан, ушбу концлагерда қурбон бўлган 101 нафар ўзбек ўғлонининг қабр тошига гул қўйиш маросимида иштирок этди.

Тадбир Нидерландияда 4-9 май кунлари нишонланадиган Хотира ҳафтаси доирасида ташкил этилди.

Мазкур хотира мажмуаси 1948 йил 18 ноябрь кuni очилган бўлиб, унда 865 нафар аскар дафн этилган.

► Давоми 3-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ИЖРО ИНТИЗОМИ — ИСЛОХОТЛАРНИ
АМАЛГА ОШИРИШДА
АСОСИЙ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧ

Тимур ИШМЕТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
молия вазири

Сўнгги беш йилда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида улкан ўзгаришлар рўй берди. Шу билан бирга, Бош қомусимизда инсон манфаатларини тўлақонли таъминлашга қаратилган норма ва қоидалар давлат сиёсатининг негизини ташкил этди.

Президентимизнинг: “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”, деган ғоя ва ташаббуслари, бошқарув органлари ҳамда ижро тизими маъмуриятга катта масъулият юклади. Халқ билан очиқ мулоқот йўлга қўйилиб, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг янги институти шаклланиб улгурди.

Фуқароларнинг давлат раҳбарига тўғридан-тўғри мурожаат қилишлари натижасида йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларнинг аксарияти бартараф этилди, давлат дастурларига киритиш орқали бошқа муаммоларнинг ечими назоратга олинди.

Бир сўз билан айтганда, муаммоларнинг ҳажми, бартараф этиш йўллари, зарур бўладиган маблағ миқдори ва муддатлари бўйича аниқ маълумотлар базаси шаклланди. Муҳими, ҳар қайси бўғиндаги раҳбар фаолиятига одамларнинг розилигидан, мурожаатларга бўлган муносабатидан келиб чиқиб баҳо берили бошлади. Айни жараёнда ислохотларнинг самарадорлигига эришиш учун соат механизмидек аниқ ишловчи ижро тизимига эҳтиёж юзага келди.

Маълумки, ижро интизоми — ҳар қандай давлат органлари ва ташкилотларнинг иш самарадорлигини

таъминловчи энг муҳим ҳамда асосий фаолият қўрсаткичларидан биридир.

Шу маънода айтганда, жамият ҳаётининг барча соҳаларида олиб борилаётган ислохотларнинг самарали амалга оширилиши, биринчи навбатда, давлат органлари ва ташкилотларнинг барча бўғинларида ижро интизомининг зарур даражада ташкил этилишига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони давлат идоралари ва ташкилотларнинг ижро тизимида темир интизом ўрнатилган ҳуқуқий замин яратди.

Фармон билан қонунчилик, қонун-оғи ҳужжатларини пухта ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг таъсирчан амалиётини шакллантириш, уларни аниқ ижрочилар, кенг жамоатчилик ҳамда аҳолига тезкор етказиш, иқтисодий-ижтимоий ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган ижро-назорат фаолиятининг ягона тизими жорий этилмоқда.

► Давоми 3-бетда



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р ИФУҚАРОЛАРГА ДАВЛАТ ПЕНСИЯЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ
ЖАРАЁНИНИ СОДДАЛАШТИРИШ ҲАМДА ПЕНСИЯ
ВА НАФАҚАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

давлат пенсияларини тайинлаш ЯММТ ИДАКга киритилган электрон маълумотлар асосида амалга оширилади. Бунда меҳнат стажи, иш ҳақи, олий таълим муассасаларидаги ўқиш ҳамда ҳарбий хизмат даври тўғрисидаги ҳужжатлар Пенсия жамғармаси томонидан ЯММТ ИДАКдан фойдаланган ҳолда электрон маълумотлар алмашинуви асосида олинади;

давлат пенсияларини тайинлаш учун фуқаролардан фақат паспорт ёки идентификация ID-картаси талаб этилади.

2. Фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлашнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш бўйича “Йўл харитаси” 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Давлат пенсия таъминоти борасида кўрсатилаётган хизматлар сифатини замон талабларига мувофиқлаштириш, фуқароларга пенсия ва нафақаларни тайинлашда юзга келадиغان ортинча тўловларнинг олдини олиш ҳамда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлаш мақсадида Пенсия жамғармасининг ижро этувчи аппарати тузилмаси, ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимларининг намунавий тузилмалари 2, 3 ва 4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Пенсия жамғармасига вақтинча бўш маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинган даромаднинг йигирма фоизини Пенсия

жамғармаси ходимларини ижтимоий ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш жамғармасига йўналтириш ҳуқуқи берилсин.

4. Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари бинолари учун минимал талабларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.И.Норкулов) Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов), Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ж.Ортиқов) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

икки ой муддатда Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимларини фуқаролар учун қулай шароитларга эга бўлган бино ва иншоотларга кўчириш;

2022 йил 1 июлга қадар қариялар ва кекса ёшдагилар, имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларга хизмат кўрсатишга мослаштирилган Пенсия жамғармасининг бинолари бўйича минимал талабларга асосан, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ҳар бир ҳудудда биттадан Пенсия жамғармасининг мавжуд бинолари негизда “Намунали Пенсия жамғармаси бўлими”ни ташкил этсин;

2024 йилга қадар босқичма-босқич республиканинг барча ҳудудларида Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари биноларини минимал талабларга мослаштирсин.

6. Белгилансинки, Пенсия жамғармасининг ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари фаолиятини сақлаш ва молиялаштириш Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари ҳисобидан амалга оширилади.

7. Молия вазирлиги:

икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

2021 йил давомида Марказий банк, тегишли масъул вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда 2022-2024 йилларда ҳудудларда пенсиялар ва нафақаларни тўлаш бўйича тижорат банклари ва бошқа ихтисослашган ташкилотлар ўртасида тендер ўтказиш чораларини кўрсин;

2022 йил 1 январдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида мазкур

Ўзбекистон Республикаси
ПрезидентиТошкент шаҳри,
2021 йил 4 май

Ш. МИРЗИЁЕВ

ХОРИЖ МАТЕБУТИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

“SADA EL-BALAD”:
Ўзбекистон ҳар
бир фуқаросининг
фаровонлиги ҳақида
қайғуради

Бошланиши 1-бетда

“Ушбу вазирлик орқали жойларда муаммоларни ҳал қилишнинг интеграциялашган ва самарали вертикал тизими яратилган. Бу ташаббуслар биргина мақсадга — шу юрtdа яшаётган халқларнинг фаровонлигини таъминлашга қаратилган.

Хусусан, қийин вазиятларда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя этиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу борадаги муҳим қадам ва янги иш усули сифатида Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ҳудудларда “Темир дафтар” тизими яратилгани ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни аниқлаш ва уларга ёрдам бериш имконини бермоқда”, деб ёзди нашр.

Ўзбекистонда кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, ногирон ва ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар таълим-тарбияси учун йирик миқдорда маблағ ажратилаётгани эътироф этилади. Бу жиҳатлар, айниқса, пандемия шароитида яққол кўзга ташлангани, мураккаб вазиятда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, коронавирус юқтирган беморларга бепул ва сифатли tibбий хизмат кўрсатиш борасидаги чора-тадбирлар мазмун-моҳияти баён қилинган.

“Сардоба” сув омборида юз берган техноген офат оқибатида жабрланганларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Давлат тадбирининг энг муҳим босқичида ўзининг инсонпарварлик кудратини намоиш эта олди. Бу фуқароларига келажакка умид, олдинга дадил қадам ташлашга туртки берди”, дейилади мақолада.

Мақолада Ўзбекистонда болалар соғлом ривожланиши, хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларига катта эътибор қаратилаётгани билан ҳам танишиш мумкин.

“Бир сўз билан айтганда, бу эзгу ишлар Ўзбекистонда аҳолининг барча қатламлари, айниқса, эҳтиёжманд оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш муҳим масалага айлангани, давлат ҳар бир фуқаро манфаатлари учун қайғураётганининг амалий тасдиғидир. Зеро, инсон кадр-қиммати эъзоланадиган мамлакатда фаровонлик ва энг муҳими, тинчлик ҳукми суради”, деб хулоса қилади “Sada El-Balad” газетаси.

БАНДЛИК ДАСТУРИ — АМАЛДА

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИШЛАР

Мавлудахон ХҲЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг Меҳнат ва ижтимоий
масалалар қўмитаси раиси

Ҳар бир инсоннинг эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлаш демократик жамиятнинг муҳим талабларидан биридир. Айниқса, бутунги глобал пандемия шароитида бу борадаги вазифаларни тўлақонли амалга ошириш ҳар бир давлат олдидаги долзарб вазифага айланмоқда.



Бу масала юртимиз учун ҳам устувор аҳамиятга эга. Зеро, мамлакатимиз бой меҳнат ресурсларига эга бўлиб, ҳар йили меҳнат бозорига минглаб ёшлар кириб келади. Уларнинг бандлигини таъминлаш, жамиятга фаол интеграциялашишга кўмаклашиш доимий эътибор ва узлуксиз саъй-ҳаракатларни тақозо этади.

Президентимиз ташаббуси билан бу борадаги долзарб вазифалар ечимига устувор аҳамият қаратилаётгани фаровон ҳаётимизнинг муҳим кафолати бўлаётди.

Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида сўнгги йилларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш орқали ишсизликни камайтириш, оилалар фаровонлигини ошириш бўйича кўплаб амалий ишлар бажарилди. Жумладан, Президентимизнинг бандлик ва меҳнат муносабатлари соҳасига оид 12 та фармони ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг бандлик ва меҳнат бозорини тартибга солиш, ташқи меҳнат миграцияси билан боғлиқ масалаларга оид 40 дан зиёд ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатни қабул қилинди.

Жорий йил 20 январдан кучга кирган “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонун бу борадаги муҳим ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлди. Қонунда аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, хусусан, иш ўринлари ташкил этилишини рағбатлантириш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш, ишсиз шахсларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш, ишсизликни камайтириш чораларини кўриш каби бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ВА
МЕҲНАТ БОЗОРИ

Коронавирус пандемиясининг мамлакатимиз меҳнат бозорига салбий таъсирининг олдини олиш борасида изчил ишлар давом

ИШСИЗЛИК ВА
МИГРАЦИЯ: МУАММОЛАР
ЕЧИМИГА ЎЗИГА ХОС
ЁНДАШУВ

Мамлакатимизда бугунги кунда 19,1 миллион кишидан иборат меҳнат ресур-

си бўлиб, шундан иқтисодий фаол аҳоли 14,7 миллион, банд аҳоли 13,2 миллион кишини ташкил қилмоқда. Банд аҳоли-мизнинг 5,7 миллион нафари расмий, 5,6 миллион нарасмий секторда фаолият юритяпти. Республикамиздан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолияти билан шуғулланаётганлар сони 1,8 миллион, ишга жойлаштишга муҳтожлар сони 1,5 миллиондан зиёддир. Ишсизлик даражаси эса 10,5 фоиз бўлиб турибди.

Жорий йилнинг биринчи чорағида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидаги Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан 281 195 нафар фуқарога турли хизматлар кўрсатилган. Жумладан, иш сўраб мурожаат қилган 71 361 киши бўш иш ўринларига ишга жойлаштирилган. 33 330 нафари жомат ишларига жалб этилган. 43 917 нафар фуқаро касбга ўқишга юборилган. 49 253 нафарига эса ишсизлик нафақаси тайинланган. 8 759 кишига субсидиялар ажратилган.

Ташқи миграция масалаларига ҳам эътибор кучайтирилмоқда. Бу борада Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, меҳнат мигрантлари бугунги кун талаби асосида касб-хунар ва хорижий тилларга ўқитилмоқда. Шунингдек, келажақда мигрантларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида хорижда ишлаётган фуқароларнинг меҳнат стажи ҳисобга олиниб, уларга ҳам ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш ва меҳнат стажини ҳисоблаш тизими татбиқ этилмоқда. Меҳнат мигрантларига йўл ҳақи, патент ва суғурта харажатлари учун паст фоизда 10 миллион сўмгача кредитлар ажратилмоқда. Хориждаги фуқароларимиз ҳуқуқий ҳимоясини тўлақонли таъминлаш учун онлайн платформа ва колл-марказ ташкил этилиб, малакали адвокатлар хизмати йўлга қўйилди. Бу борадаги ишларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида”ги

қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилди.

ЖОРИЙ ЙИЛДА
457 127 ТА ДОИМИЙ
ЯНГИ ИШ ЎРНИ
ЯРАТИЛАДИ

Бу рақамлар Президентимизнинг юқорида қайд этилган қарориди ўз аксини топган. Шунингдек, мазкур ҳужжатда 2021 йилда меҳнат органлари томонидан 513 575 нафар фуқарога бандлигига кўмаклашиш ва иш бевувиларни рағбатлантириш бўйича хизматлар кўрсатилиши белгиланган. Шунингдек, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2021 йилда аҳоли бандлигига кўмаклашиш учун субсидиялар, нафақалар ва микрокредитлар ажратиш прогност кўрсаткичлари тасдиқланган. Хусусан, жорий йилда субсидиялар учун 92,3 миллиард сўм, ишсизлик нафақалари тўлаб бериш учун 65,1 миллиард сўм, ишсиз, иш излаётган фуқароларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш харажатларини қоплаш учун 40,6 миллиард сўм маблағ ажратилди. Жорий йилда янги иш ўринлари ташкил этишни назарда tutувчи кичик лойиҳаларни амалга ошириш учун тижорат банкларида 125 миллиард сўм ресурс ажратиш кўзда тутилмоқда.

Қарорнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, давлат дастурини ўз вақтида ва сифатли бажариш юзасидан бир қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари тегишли йўналишлар бўйича масъул этиб белгилаб қўйилди. Бу эса дастур параметрларини қозғода эмас, амалда бажаришга замин яратди.

Эндиликда вақтинча, мавсумий ва бир марталик ишларда (вақтинча ишларда) банд бўлган фуқароларнинг меҳнат фаолиятини самарали ташкил этиш

бўйича янги тизим яратилади. Унда вақтинча ишларда банд бўлган фуқароларга кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш, иш бевуви жисмоний ва юридик шахсларга вақтинча ишларда банд бўлган фуқароларни ёллаш бўйича хизматлар кўрсатиш, меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига rioя этиш масалаларида маслаҳат ҳамда услубий ёрдам бериш, вақтинча ишларда банд бўлган фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга меҳнат қуролилари, шахсий ҳимоя воситалари, махсус кийимлар билан таъминлаш хизматлари ни кўрсатиш каби масалалар назарда тутилган.

Шунингдек, “барча учун иш” тамойили асосида вақтинча ишларни ташкил этишда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, иш бевувилар ва ишловчиларга масофадан туриб хизматлар кўрсатиш тизимини жорий этишга эътибор қаратилади. Вақтинча ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш жараёнларида давлат-хусусий шериклиги шартлари асосида тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этиш, бунда иш изловчиларни ётоқхона ва транспорт билан таъминлаш, тезкор бююртмалар олиш ҳамда бошқа қўшимча хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш белги-ланмоқда.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари ҳузурида фаолият юритаётган вақтинча бир марталик иш билан таъминлаш бююролари кунлик меҳнат марказлари сифатида қайта ташкил этилади. Марказларни ташкил этиш, сақлаш ва моддий-техник таъминлаш харажатлари Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари, уларда видеокузатув ва огоҳлантирувчи алоқа тизимларини



Uzbekistan Cares about the Welfare of Every Citizen

“Ушбу вазирлик орқали жойларда муаммоларни ҳал қилишнинг интеграциялашган ва самарали вертикал тизими яратилган. Бу ташаббуслар биргина мақсадга — шу юрtdа яшаётган халқларнинг фаровонлигини таъминлашга қаратилган.

Хусусан, қийин вазиятларда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя этиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу борадаги муҳим қадам ва янги иш усули сифатида Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ҳудудларда “Темир дафтар” тизими яратилгани ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни аниқлаш ва уларга ёрдам бериш имконини бермоқда”, деб ёзди нашр.

Ўзбекистонда кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, ногирон ва ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар таълим-тарбияси учун йирик миқдорда маблағ ажратилаётгани эътироф этилади. Бу жиҳатлар, айниқса, пандемия шароитида яққол кўзга ташлангани, мураккаб вазиятда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, коронавирус юқтирган беморларга бепул ва сифатли tibбий хизмат кўрсатиш борасидаги чора-тадбирлар мазмун-моҳияти баён қилинган.

“Сардоба” сув омборида юз берган техноген офат оқибатида жабрланганларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Давлат тадбирининг энг муҳим босқичида ўзининг инсонпарварлик кудратини намоиш эта олди. Бу фуқароларига келажакка умид, олдинга дадил қадам ташлашга туртки берди”, дейилади мақолада.

Мақолада Ўзбекистонда болалар соғлом ривожланиши, хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларига катта эътибор қаратилаётгани билан ҳам танишиш мумкин.

“Бир сўз билан айтганда, бу эзгу ишлар Ўзбекистонда аҳолининг барча қатламлари, айниқса, эҳтиёжманд оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш муҳим масалага айлангани, давлат ҳар бир фуқаро манфаатлари учун қайғураётганининг амалий тасдиғидир. Зеро, инсон кадр-қиммати эъзоланадиган мамлакатда фаровонлик ва энг муҳими, тинчлик ҳукми суради”, деб хулоса қилади “Sada El-Balad” газетаси.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ИЖРО ИНТИЗОМИ — ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА АСОСИЙ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧ

Бошланиши 1-бетда

Фармон ижросини таъминлаш ҳамда ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича Молия вазирлигида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Фармонда белгиланган вазифалар ижроси бўйича вазирлик Ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди. Унда ҳужжатдан келиб чиқиб, вазирлик тизимида ижро интизомини самарали ташкил этиш билан боғлиқ вазифалар белгилаб олинди. Йиғилиш қарори билан Фармон талабларини бажаришда юқори, ўрта ва қуйи бўғин раҳбарларига шахсий масъулият ва жавобгарлик юкланди. Ҳайъат мажлисида “Янги Ўзбекистон” газетасининг 2021 йил 3 март сонида Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси Р.В.Абдуқодиров билан эълон қилинган суҳбат асосида тайёрланган кўргазмали материал орқали тизимга киритилаётган аниқликлар атрофлича тушунтирилди.

Ҳозир вазирликда ҳар ҳафта якуни бўйича ижро мuddати яқинлашаётган ҳужжатлар таҳлил қилиниб, тегишлилигига қараб департамент ёки бошқарма раҳбарларига вазифаларнинг бажарилиш ҳолати бўйича огоҳлантириш берилмоқда. Зарур ҳолларда тегишли мутахассисларни жалб қилиш орқали топшириқ ва вазифаларни белгиланган муддатида бажарилиш чоралари кўрилмоқда.

Тизимли назоратнинг йўлга қўйилиши қисқа вақт ичда ўзининг ижобий самарасини кўрсата бошлади. Айниқса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишилши бўйича киритилган ҳужжатларнинг айланиш даври сезиларли даражада қискарди.

Сўзимизни рақамлар тилида давом эттирадиган бўлсак, 2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишилши ягона тизими — “project.gov.uz” дастури орқали Молия вазирлигига 3 016 та ҳужжат лойиҳалари кўриб чиқиш ва келишиш учун киритилган бўлиб, шундан 2 867 тасининг (95 фоиз) ижроси таъминланган.

Соҳа мутахассисларининг чуқур ўрганишлари натижасида 27 та (1фоиз) ҳужжат лойиҳасини келишиш учун ортиқча вақт талаб этилди.

Лекин айрим вазирлик, идора ва ташкилотлар томонидан келишиш учун киритилган ҳужжатлар қўшимча ҳуқуқий, иқтисодий экспертиза талаб этганлиги сабабли, муддатидан кеч ижро этилди. Ижроси кечиккан ҳужжатлар сони 122 тани (4 фоиз) ташкил этмоқда.

Тўғри, 4 фоиз катта рақам эмас. Лекин буларнинг ҳар бири мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига, аҳолига қўлайлик яратишга, янги иш ўринларини

очишга қаратилган ҳужжат эканлигини ҳисобга олсак, ижро интизомини янада самарали ишлашни таъминлаш керак, деган фикрга борамиз.

ҲАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ БОР

Ижро интизоми бўйича яна бир муҳим йўналиш бу жисмоний ва юридик шахслардан тушаётган мурожаатлар бўлиб, 2020 йил якунларига кўра, Молия вазирлигига жами келиб тушган мурожаатлар сони 55 612 тани ташкил этди.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президенти веб-сайти орқали келиб тушган мурожаатлар сони 29 310 тани ташкил этиб, 2019 йил билан таққослаганда, мурожаатлар 15 442 тага кўпайганлигини кўрсатмоқда.



Шу билан бирга, жорий йилнинг биринчи чорагида жами 1429 та, шундан 614 та ёзма, 720 та электрон, 95 та оғзаки мурожаатлар келиб тушди. Ушбу мурожаатлар тўлиқ ўрганиб чиқилиб, мурожаатчиларнинг савол ва таклифларига ўз вақтида тегишли жавоблар берилмоқда.

Вазирлиқнинг масъул ходимлари томонидан мурожаатда келтирилган масалалар зарур эксперт ва ишчи гуруҳ билан жойига чиқиб ўрганилаётганлиги ҳам тасдиқловчи мурожаатлар сонининг камайишига олиб келмоқда.

Шунингдек, вазирлик раҳбарияти томонидан республика бўйлаб ўтказилаётган сайёр қабуллар довомида энг кўп мурожаат қилинаётган йўналишлар, яъни пенсия тайинлаш, субсидия

ажратиш, арзон уй-жойларга эга бўлиш, шунингдек, 2 ёшдан 14 ёшгача бўлган вояга етмаган болалар учун нафақа ажратиш билан боғлиқ саволларга жавоб қайтарилмоқда. Аксарият масалаларнинг қарийб 90 фоизи шу ернинг ўзида ҳал этилмоқда.

Вазирлик раҳбарияти томонидан мурожаатлар билан ишлашда талабчанлик ва натижадорликни ошириб бориш, ижро интизоми ва муддатларига қатъий риоя этиш, тақрорий мурожаатларнинг кўпайиш сабабларини чуқур ўрганиб чиқиш талаб этилмоқда.

ИСЛОҲОТЛАР — АМАЛДА, ҲАЁТДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев 2020 йил

25 декабрь куни мамлакатимиз ёшлари билан ўтказилган видеоселектор йиғилишида, Ўзбекистон ёшлари форумида ҳамда 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисда қилган навбатдаги Мурожаатномасида давлат бошқаруви органлари олдидаги бир қатор устувор вазифаларни белгилаб берди.

Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ–6155-сон “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат

дастури тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, 2021 йилда 273 та банддан иборат бўлган Давлат дастури тадбирларини бажариш учун жами 57,6 триллион сўм, шундан 29,5 триллион сўм, 2,6 миллиард АҚШ доллари ва 57,5 миллион евро харажатларини амалга ошириш назарда тутилган.

Йил давомида 120 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, 150 та чора-тадбир ва 3 та Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати баёни белгиланган тартибда қабул қилиниши лозим.

Хусусан, Молия вазирлиги олдида ҳам бир қатор муҳим устувор вазифалар турибди. Жумладан:

— қабул қилинган Давлат дастурлари бўйича зарур маблағларни ўз вақтида ажратилишини таъминлаш;

— кейинги йиллар учун бюджет параметрларини шакллантиришда Меҳрибонлик уйларининг уй-жойга муҳтож етим битирувчилари ва ота-онасининг қарамағидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш учун зарур маблағларни назарда тутиш;

— жорий йилда тажриба тариқасида ҳар бир ҳудудда биттадан туман ёки шаҳар бюджети харажатларининг 5 фоизини жамоатчилик фикри асосида билдирилган таклифларга йўналтириш механизми жорий қилиш. Бунинг учун зарур бўладиган қўшимча маблағларни республика бюджетидан ажратиш;

— 2022 йилдан бошлаб, ҳар бир туман (шаҳар) бюджети харажатларининг 5 фоизини жамоатчилик фикри асосида билдирилган таклифларга йўналтириш учун алоҳида қаторларда маблағларни режалаштириш;

— Ҳисоб палатаси ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан биргаликда бюджет ижроси тўғрисидаги маълумотларни вазирлик ва идоралар томонидан ўзларининг расмий веб-сайтларига жойлаштириш тартибини ишлаб чиқиш;

— давлат идораларининг бюджетдан ташқари жамғармаларининг даромад ва харажатлари, давлат улushiга эга бўлган ташкилотлар харидлари, давлат субсидия ва грантларига оид маълумотларни эълон қилиш амалиётини йўлга қўйиш;

— 2021 йилнинг иккинчи ярим йиллигида давлат харидлари соҳасида барча маълумотларнинг очиқлигини таъминловчи Давлат харидлари бўйича марказий ахборот порталини яратиш асосида жамоатчилик ва парламент назоратини кучайтириш;

— 2019-2020 йилларда сув тежовчи технологияларни жорий этилиши ҳолати ва унинг самарадорлиги таҳлилдан келиб чиқиб, харажатларнинг бир қисmini қоплаб бериш тизимини такомиллаштириш;



— миллий валютада чиқариладиган суверен халқаро облигацияларнинг улushiни келгуси йилларда босқичма-босқич 25 фоиздан камида 40 фоизга ошириш чораларини қўриш ва шу каби бошқа бир қатор вазифалар юклатилган.

Таъкидлаш керакки, ушбу устувор вазифалар халқимизнинг бугуни ва эртасига дахлдор бўлиб, бюджетдан ажратилаётган маблағнинг ҳар бир тишинини мақсадли сарфлаш, лойиҳалар устидан қатъий бюджет назоратини ўрнатиш вазирлигимиз зиммасидаги асосий вазифалардан бири бўлиб қолади. Бундан ташқари, мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар ва ёрдамнинг манзиллилигини янада ошириш юзасидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тартиб-таомиллари босқичма-босқич рақамлаштирилмоқда.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан заиф қатламларига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдамни тақдим этишнинг ягона тизимини яратиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 августдаги ПҚ–4797-сон “Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий нафақаларни тайинлаш тўғрисидаги аризаларни қўриб чиқиш ва уларни тайинлаш тартиб-таомилларини босқичма-босқич “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими воситасида амалга ошириш, Молия вазирлиги

хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими жорий этилишини ва фаолият кўрсатишини таъминлаш бўйича иш олиб боришмоқда.

СОҲА ИСТИҚБОЛИНИ КАДРЛАР ҲАЛ ҚИЛАДИ

Вазирлик ўз зиммасига белгиланган вазифаларни амалга оширишда қуйидаги:

— иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг молиявий мутаносиблигини таъминлаш;

— давлатнинг ижтимоий-иқтисодий мажбуриятларини тўлиқ ва ўз вақтида бажариш;

— Молия вазирлиги, унинг марказий аппарати ҳамда таркибий бўлинмаларининг иш шакллари ва усулларини тубдан такомиллаштириш, молия органлари фаолиятида бюрократизм ва сансопларлик ҳолларига йўл қўймаслик сингари бир қанча тамойиллар асосида фаолият юритади.

Бу эса, ўз навбатида, ходимларнинг касбий маҳорати ва тажрибасига боғлиқдир.

Шунга кўра, Молия вазирлиги Инсон ресурсларини ривожлантириш ва ходимларни маъмурлаш департаменти томонидан вазирлик хузуридаги Ўқув маркази билан ҳамкорликда Инсон ресурсларини ривожлантириш тамойили асосида ходимларнинг билим, малака ва қўникмалари ҳамда салоҳиятини, шунингдек, касбий маҳоратини ривожлантириш мақсадида марказий аппарат ҳамда унинг таркибий бўлинмалари ходимлари учун малака ошириш курслари йўлга қўйилган.

Молия соҳасида олиб борилаётган бу каби амалий саъй-ҳаракатлар мамлакатимизнинг янада равақ топишида муносиб хизмат қилади.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

Иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлган 101 нафар ўзбек ўғлони хотирасига бағишланди

Бошланиши 1-бетда

Мажмуада уруш қурбонларининг ҳар бирининг хотирасига бағишлаб қабр тоши ўрнатилган. Айтиш жоизки, тошларнинг аксариятида дафн этилган аскарнинг исм-шарифи ёзилган бўлса-да, бир қисмида фақатгина рақам ва “Номаълум совет аскари” деган ёзув битилган. Бу — Россия ва собиқ иттифоқ республикалари, жумладан, Ўзбекистонда ҳам бедарак йўқолган, деб ҳисоблаб келинаётган аскарлардир.

Хотира майдони Нидерландия ҳукумати ва маҳаллий ташкилотлар, жумладан, “Совет шараф майдони” нодавлат жамғармасининг доимий қарамоғида. Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашистлар Германияси томонидан босиб олинган бўлишига қарамай, Нидерландия ҳеч қачон фашизм мафкурасини қабул қилмаган ва урушдан кейин ўз ҳудудини немис босқинчиларидан озод этиш йўлида ҳалок бўлган аскарлар, шу жумладан, ўзбек солдатларининг хотирасига ҳурмат кўрсатиб келмоқда.

3 май куни хотира майдонига эрталабдан бир гуруҳ нидерландиялик кўнгиллилари тўпланди. Улар 865 тўплам гулдан ранг-баранг гулдасталар ясаб, махсус тувакчалларда қабр тошларининг бошига жойлаштиришга киришиб кетди. Кўнгиллиларнинг аксар қисми ёшлардан иборат бўлиб, улар ҳам



катталар билан ёнма-ён туриб, бу савобли ишга ҳисса қўшди.

Шу ўринда мазкур хотира майдонига дафн этилган ўзбекистонлик аскарлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтасак.

Шахси аниқланмаган аскарлар орасида 101 нафар ўзбекистонлик аскар бор. Тарихий маълумотларга кўра, 1941 йил кузида асир тушган аскарлар фашистлар томонидан босиб олинган Нидерландия ҳудудидаги “Амерсфорт” концлагерига олиб келинган. Бир юз бир нафар асирнинг 24 нафари 1941 йилнинг қишида қийноқ ва касалликдан ҳалок бўлган. Қолган 77 нафари эса 1942 йил 9 апрель куни эрта тонгда яқин атрофдаги ўрмонда отиб ташланган. Бу — Иккинчи жаҳон уруши даврида Нидерландиядаги энг йилрик оммавий қатл бўлган.

“Амерсфорт” концлагерига қурбон бўлган ўзбек жангчиларининг тақдирини кенг жамоатчиликка маълум қилиш борасида илк ташаббус “Совет шараф майдони” жамғармаси директори Ремко Рейдинг томонидан илгари сурилган бўлиб, у мазкур савобли ишга умрининг 20 йилдан кўпрогини сарфлади.

Иккинчи жаҳон уруши пайтида “Амерсфорт” концлагерига келтирилиб, бу ерда ақлбовар қилмас қийноқларга солинишига қарамай, ўз шаъни, ғурур ва одамийлигини сақлаб қолган 101 нафар ўзбек ўғлонининг қалбларини ларзага келтирувчи тақдир айнан Ремконинг саъй-ҳаракатлари тўғрисида нафақат Нидерландия ва Ўзбекистон, балки дунёнинг қўллаб-қувватларида ҳам маълум бўлди.

Хусусан, шахси аниқланган солдатлар орасида навоийлик аскар Саидқул Қаҳҳоров ҳам бор. 2020 йил февраль ойда “101 ватандош издан” экспедицияси аъзолари Нидерландияга келиб, унинг қабрини зиярат қилди. Қабр тоши устига марҳум аскарнинг Нурота туманидаги ҳовлисида келтирилган тупроқ сепилди.

Ремко Рейдингнинг ўзи эса юртимизнинг дўсти ва доимий меҳмонига айланди. Хусусан, у Ўзбекистонда бир неча марта бўлиб, ўзбек аскарларининг Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги қаҳрамонлигини тарғиб этишга бағишланган тадбирларда қатнашди.

2020 йил май ойда Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 75 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирлар доирасида “101” бадиий фильмининг премьераси бўлиб ўтди. Киноасарнинг яратилиши учун зарур маълумотлар айнан Ремко Рейдинг томонидан тақдим этилган. Ҳозирги кунда эса Р.Рейдинг билан ҳамкорликда ўзбек киночилари “101” деб номланган ҳужжатли фильمنى suratта олмоқда.

Нидерландияда дафн этилган 101 нафар аскарнинг шахсини аниқлашга қаратилган лойиҳани амалга ошириш ишлари фаол давом этмоқда. Жумладан, 2021 йил бошида Ремко Рейдинг ва унинг ҳамкасблари томонидан ўзбекистонлик бўлиши мумкин, деб тахмин қилинаётган бир неча аскарнинг шахсини аниқлаш борасидаги ишлар бошланди.

“Дунё” АА

Амерсфорт

Жанубий Корея компанияси Сирдарё вилоятида замонавий иссиқхона мажмуалари қуради

Мамлакатимизнинг Жанубий Кореядаги элчихонаси кўмагида Гулистон шахрида “Myung Sung Placon Co., Ltd.” компанияси бош директори Ким Хёнг Жун ва Сирдарё вилояти ҳокими ўринбосари Дониёр Мадиримов иштирокида учрашув ташкил этилди.

Элчихона маълумотига кўра, тадбирда “Myung Sung Placon Co., Ltd.” компанияси бош менежери Ким Жун Гил, компаниянинг Ўзбекистондаги вакили Умиджон Бекмуродов ва вилоят ҳокимлиги мутасаддилари қатнашди.

Учрашувни ташкил этиш Ўзбекистоннинг Жанубий Кореядаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Виталий Феннинг 27 апрель куни компания президенти Жонг Ёнг Хун билан музокара-лар чоғида келишилган эди.

Мулоқот довомида Ким Хёнг Жун учрашув учун самимий миннатдорлик билдириб, компания минтақадаги ҳамкорлар билан алоқаларни фаол ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади. У компания раҳбарияти топшириғига биноан, қиймати 5 миллион АҚШ доллари бўлган, умумий майдони 10 гектарлик замонавий иссиқхона мажмуаларини қўриш бўйича инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ис-тиқболларини ўрганаётганини маълум қилди.



Дониёр Мадиримов вилоят раҳбарияти Жанубий Корея илғор технологияларни жорий этган ҳолда, лойиҳани амалга оширишни қўллаб-қувватлашга тайёрглигини билдирди. Мазкур лойиҳа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигини сезиларли даражада оширишга хизмат қилади. Бундан ташқари, барча ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспортга йўналтири-

лади. Маҳаллий тадбиркорлар томонидан шу каби лойиҳаларни Сирдарё вилояти туманларида ҳам амалга ошириш имконияти мавжудлиги таъкидланди. Муҳомаалар натижасида томонлар ушбу истиқболли инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг кейинги босқичлари бўйича музокараларни давом эттиришга келишиб олди.

“Дунё” АА

ЁНИМИЗДАГИ ОДАМЛАР

КЕЧАГИ МИГРАНТ — БУГУН ТАДБИРКОР
ЁКИ ҚОРХОНА РАЎБАРИГА АЙЛАНГАН ЁЛЛАНМА ИШЧИ

Ўргутлик тадбиркор Мажидхон Исмолов “Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан”, деган мақолни тез-тез такрорларди. Чунки ўзи мусофирликнинг қаттиқ нонини еб, кўп қийинчилик кўрди.

— “Қўлимизда еру осмон, имкон бизники”. Ҳар гал ҳофиз шундай қуйлаганида кўзимга ёш келарди, — дейди Мажидхон. — Узоқ йиллар баландпарвоз гапирдик, лекин натижа бўлмади. Ёшлар — юрт келажаги, уларга ишонамиз, дейилди-ю умид билан боққаннимизда юзлар терс бурилди. Биз эса мардикорлик учун ўзга юртларга йўл олдик.

ОРЗУЛАР ФУРСАТИДАН
ИМКОНИАТЛАР
ДАВРИГАЧА

Мажидхон кўп йиллар чет элда ишлади. Ҳақорат эшитди, ҳўрланди, лекин чидади, тинимсиз меҳнат, изланиш ва интилишда бўлди.

— Хитой ва Туркияда ишлаб юрганимда у ёқлардаги шароитни кўриб, ҳавас қилардим. Ўзимизда ҳам миллӣ брендларимизни яратишни орзу қилмаган пайтим бўлмаган, — дейди М.Исмолов. — Айниқса, Туркиядагиларимда “мен ҳам ўз қорхонамни очаман, Ўргут бренди билан маҳсулот ишлаб чиқараман”, деб ният қилардим. Баъзан қийналган пайтларимда “шу хўнарни ўрганиб олсам, ўзимизга бориб ҳаммага ўргатаман, ҳеч кимдан ёрдамимни аямайман”, деб ўзимга ўзим сўз ҳам берардим. Лекин у пайтлари бунга ўзимизда на шароит, на имкон бор эди. Чунки 2017 йилгача юртимизда тадбиркорлик қилиш учун жуда кўп ҳаракат қилганман. Ҳар сафар қоғозбозлиги,



қаршиликлар сабаб тадбиркорлик орзу бўлиб қолаверди. Бугун вазият мутлақо бошқача, интиланганга толе ёр.

2017 йилда фаолиятини ижарага жой олиб, беш-ўн та тикув машинаси ва шунча ишчи билан бошлаган Мажидхон Исмолов бугун “Urgutini” ва “USS” брен-

ди остида эркаклар кўйлақлари ишлаб чиқараётган “Urgut sanoat servis” қорхонаси раҳбари. Ҳозирда Ўргут иқтисодий зонасида фаолият юритмоқда.



Бу ерда 50 дан ортиқ ишчи, асосан, ёшлар Туркия ва Хитойдан келтирилган ускуналар ёрдамида йилга 600 минг дона эркаклар кўйлаги ишлаб чиқармоқда. Ўтган йили қорхона 10,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, 100 минг дона эркаклар экспортни амалга оширди. Бу йил ишлаб чиқаришни 2 миллиард сўмга, экспортни икки баробарга ошириш режалаштирилган.

— Кўйлаб ёшларга шу хўнарни ўргатдим, ҳозир улар ҳам мустақил фаолият олиб борапти, — дейди М.Исмолов. — Пайариқ, Қўшработ туманлари, Самарқанд шаҳридан келиб, ишлаб, шу хўнарни ўрганиб кетганлар кўп. Яқинда пайариқлик шоғирдимнинг отаси кўнғироқ қилиб, “биз ҳам ишлаб чиқаришни бошладик” деди ва миннатдорлик билдирди. Мана шундай пайтда қалбимда уйғонган қувонч ва фахрни сўз билан таърифлаш қийин.

“КАТТА КУЧ, МАЪНАВИЙ
МАДАД ОЛДИМ”

Жорий йил 15-16 апрель кунлари Президентимиз Самарқанд вилоятига ташрифи доирасида Ўргут туманида ҳам бўлди. Давлатимиз раҳбари бу ердаги эркин иқтисодий зонада фаолият кўрсатаётган қорхоналар фаолияти билан танишди, тадбиркорлар билан суҳбатлашди. Жумладан, Мажидхон Исмолов билан ҳам.

— Мен давлатимиз раҳбари билан учрашувдан жуда катта куч, маънавий

мадад олдим ва олдимга катта мақсадлар қўйдим. Президентимиз маҳсулотларимиз намоёйш этилаётган жойга келиб “Сен ҳақингда эшитдим, хорижга бориб иш ўрганиб келиб, ўзимизда ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган экансан, раҳмат сенга”, деганининг ўзи мени кўйларга чиқариб қўйди. Жуда самимий гаплашди, оталардек меҳрибонлик кўрсатди. Бизни кўйлаб-қувватлаб, қандай ёрдам керак бўлса имкон яратиб беришини айтди. Аслида, саноат зонамизда тадбиркорга қандай имтиёз ва енгиллик, имконият керак бўлса, барчаси яратилган. Бундан миннатдор бўлишимиз керак. Яқинда Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган ва шундай ниятдаги ёшларга катта имтиёзлар берилиши, ёшларни ишга қабул қилган қорхоналар ҳам кўп енгилликларга эга бўлиши ҳақида айтилди. Бунинг учун ҳам давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдираман. Шу учрашувдан кейин менда катъий ишонч пайдо бўлди. Насиб қилса, қорхонамиз фаолиятини кластер усулида кенгайтираман, — дейди ёш тадбиркор.

Маълумот учун айтиш мумкинки, бугунги кунда “Ўргут” эркин иқтисодий зонасида қиймати 402 миллион доллардан зиёд 84 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Шу пайтгача қиймати 313 миллион доллар бўлган 55 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиб, ҳудудда бир қатор саноат қорхоналари иш бошлади ва уларда 4300 дан ортиқ киши меҳнат қилапти. Ушбу қорхоналарда газ плиталари, чарм-пойабзал, гиламлар, гигиена воситалари, электр техникаси ва қўриқчилик ишлатиладиган 220 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. 2020 йилда 1,2 триллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, 30 миллион долларлик экспорт амалга оширилган.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ПИЛЛАЧИЛИК

Чекка қишлоқларда
минг-икки минг долларлик
гиламлар тўқиялпти

Гулсум ШОДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Пиллачилик ипакчилик ва тўқимачилик саноатимиз ривож, экспорт салоҳияти ошиши ва аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда катта ўринга эга.

Шу боис, юртимизда соҳани ривожлантириш, сифатли пилла хомашёси етиштириш, бу иш билан банд аҳоли манфаатини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, ипак қўрти боқувчилар ва касаначиларнинг пилла мавсумида бажарган ишлари уларга пенсия тайинлашда бир йиллик иш стажига солибланади.

Каттақўрғон — Самарқанд вилоятининг энг қадимий ва ҳудуд катта туманларидан бири. Худудда ипак қўрти боқиш, пиллачилик соҳасида ўзига хос тажриба мактаби шаклланиган. Жорий йилда туманда 5 805 қўрти ипак қўрти парвартирилган. 325 тонна пилла хомашёси етиштириш режалаштирилган. Шу мақсадда 22 апрелда туманининг барча ҳудудларида ташкил қилинган инкубаторияларга уруғларни жонлантириш бошланган. Айни кунларда улар пилла етиштирувчиларга тарқатилди.

Кези келганда айтиш ўринлики, бу йил баҳорда ёғингарчилик камлиги туфайли тут новдалари, барглари бирмунча заиф бўлиб қолди. Шу боис, пиллакорлар тут барглари тежаб ишлатиши лозим бўлади.

Пилла қўртини боқиш даври 22-23 кун давом этади. Уни парвартириш эса жуда катта эътибор талаб қилади. Пиллакорлар шароитига қараб қанча кўп ипак қўрти парвариш қилса, шунга яраша даромад олишлари мумкин. Масалан, 2020 йилда “Оғабек Тоҳир” фермер хўжалиги аъзоси Жўрабек Набиев оиласи 713,4 килограмм пилла етиштириб, салкам 15 миллион сўм даромад қилди.

— Айни кунларда қишлоқда иш қизғин. Аҳоли томорқаларда, далаларда экин-тикин ишлари билан машғул, — дейди Жўрабек Набиев. — Қишлоқ аҳолисида ўз рўзгорини бутлаш учун ипак қўрти боқиш ва оилавий даромадини ошириш имконияти бор. Биз пиллакорлар оддий уй шароитида ҳам ипак қўртидан мўл ҳосил олишга эришамиз.

Тумандаги “Шакар ота” фермер хўжалиги аъзоси Ойқиз Абдурахмонова ҳам кўп йиллардан бери ипак қўрти боқади. Оилавий пиллакорлар бу йилги режани ортиги билан бажариш ҳамда кўпроқ даромад олиш ниятида қизгин меҳнат жараёнига ҳозирлик қўришмоқда.

— Жонланиб чиққан қўртларни тарқатиш ва ипак қўрти боқувчиларга ўз вақтида етказиб бериш пиллачиликнинг энг масъулияти жараёнларидан ҳисобланади, — дейди Ойқиз опа. — Чунки янги жонланиб чиққан қўрт ўша заҳотиёқ пиллакорларга топирилиб, уларни боқиш бошлаб юборилмаса, аскарятини ноқуд бўлиши мумкин. Оқибатда пилла ҳосилининг сезиларли қисми мавсум бошидаёқ йўқотилади. Шунинг учун биз ўзимизга берилган ипак

қўртини махсус шароитлар ҳозирланган иссиқ хоналарга жойлаштириб, тезда озиклантираман. Уларни асраб, меҳр билан парвартилайман. Бугун жаҳон бозорида ипак маҳсулотларига бўлган талаб ортиб бормоқда. Шунинг учун мамлакатимизда пилла етиштириш ҳажмини босқичма-босқич ошириш зарур. Шу билан бирга, пилла сифатини яхшилаш, ҳосилни имкон борида ошириш, ипакдан тайёрланадиган маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни тўғри йўлга қўйиш ҳам талаб этилади.

Ушбу талабдан келиб чиқиб, яқинда туманда фаолият кўрсатаётган “Қумуш тала” хусусий қорхонасида ипак момикларидан тайёрланадиган пар кўрпа чеҳи очилди. Ҳозир чеҳда “Аёллар дафтари”га киритилган 4 нафар хотин-қиз ишлаяпти. Бир кунда 15 тагача, бир ойда 500 тагача қимматбаҳо ипакли пар кўрпа тайёрламоқда. Уларнинг донаси 250-300 доллар туради. Чеҳда ишлаётган хотин-қизларга 1,5-2 миллион сўмга иш ҳақи берилаяпти.

2020 йилнинг 8 октябры кун Президентимиз раислигида жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳақида бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилган эди. Йиғилишда қўрилган масалалар ижросини таъминлаш мақсадида “Қумуш тала” хусусий қорхонаси томонидан Марғилон шаҳрига бир гуруҳ хотин-қизлар жўнатилди. Улар Марғилондан гилам тўқиш сир-асрорларини ўрганиб қайтди. Бу хотин-қизлар учун Омонқалхат қишлоғида ипакли гилам тўқиш чеҳи ташкил этилди. Гилам учун зарур барча ипак “Қумуш тала” хусусий қорхонаси томонидан етказиб берилди. Айни пайтда гилам тўқиш чеҳида “Аёллар дафтари”га киритилган 15 нафар хотин-қиз меҳнат қиляпти. Ҳар бир аёл бир ойда битта, бир йилда 12 та гилам тўқийди. Қўл меҳнати маҳсули бўлган бу бежирим гиламлар, асосан, хорижлик сайёҳларга мўлжалланган бўлиб, биттасининг ўртача нархи 1000-2000 АҚШ доллари атрофида. Яқинда шундай гилам чеҳлари туманининг “Бургансой”, “Янгиобод”, “Тарнов” маҳаллаларида ҳам ташкил этилади. Шу орқали 200 дан ортиқ хотин-қизнинг бандлиги таъминланади. Бундай цехларни туманинг олис Енбошой, Жизмонсой, Мойбулоқ қишлоқларида ҳам очиб режалаштириляпти.

Бу фаолият тури нафақат даромад манбаи ҳисобланади, балки бугун ўта муҳим вазифа бўлиб турган бандлиқ масаласини ҳам ҳал этмоқда. Энг аҳамиятлиси, туманда тайёрланган ипак маҳсулоти жаҳон бозорига чиқади.

ҚАДРИЯТ

Мақсад — ёшларимизни
ҳунарли, ишли қилиш

Муножат МҶМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

“Қўхна тол бешиқдан яралган дунё” деганида шоир ўзи билмаган ҳолда бешиқнинг қадимий ихтиро экани-ю, унинг, асосан, тол дарахтидан ясалишига урғу бергандек, назаримизда. Дунё бўйлаб 300 дан зиёд, Марказий Осиёда эса 20 дан ортиқ тури мавжуд бўлган бу дарахтнинг диёримизда “оқ тол”, “қора тол”, “мажнунтол”, “игнабарг тол”, “сув тол” каби турлари кенг тарқалган. Новдаларидан бежирим саватлар, ёғочидан кўйлаб буюмлар ясалди.

Неча йиллардан буён тол билан тиллашиб яшаётган жалақудуқлик замондошимиз Анвар ака Умаров эса бу дарахтнинг ўзига хос бошқа хусусиятларини ҳам яхши билади. Зеро, у тажрибали бешиқсоз сифатида толдан ясалган бешиқлар қақалоқ учун энг фойдалис, деб ҳисоблайди. Шунингдек, пўстидан тозаланиб, махсус дориланадиган ва салқин жойда яхшилаб қўритилган толдан ясалган бешиқ мўътадиллигини таъминлашига ҳам ишонади. Бешиқ ясаш Анвар акага ота мерос ҳунар эмас, аслида. Унинг ўзи бунга астойдил бел боғлаган. Жалақудуқлик бешиқсоз уста Маҳмуджон Ҳасановдан бу хўнарни сир-асрорларини ўрганган. Унинг бугунги ёшларда ҳам хўнарга иштиёқ, интилишни кўриш истаги шундан бўлса керак.

Андижон ҳамда қўшни Қирғизистондаги бешиқ бозорларидан ўз миқозларини топиб улгурган, хўнари ортидан нафақат оилавий, маҳаллий тадбиркорлиқни йўлга қўя олган Анвар акага ёшлар ҳавас қилса арзийди.

Тадбиркор ўзи мустақил иш юрита олишига кўзи етган пайт — 2010 йилда “Хўнарыманд” уюшмаси томонидан рўйхатдан ўтиб, оилавий хўнарымандлиқни бошлади. 2 йил ўтгач, ишини кенгайтириш мақсадида кредит олди. Ушунда яхши ният билан олинган кредит қатор қийинчиликларни бошлаб келишнинг у ҳаёлига келтирмаган эди. Биринчидан ўша йиллари чироқнинг ҳаддан зиёд кўп ўчиши ишнинг белига телган бўлса, иккинчидан хўнарымандга бугунгидай эътибор, рағбат қаёқда дейсиз. Шароит бўлмагача, иш унуми ҳам бўлмади, албатта. Қийналиб қолган тадбиркорларга ҳозиргидай имтиёзлар ҳам йўқ...

Кредит олдинги, тўлаш керак, вассалом. Вақт эса қўтиб турмайди, қарз елкага оғирлигини солаверади. Фоизаларни қайтаришга ақли оҳижлик қила бошлаган қаҳрамонимиз фаолиятини тўхтатиб, четда ишлашга кетишдан ўзга чора тополмай қолганди.

5-6 йилдан сўнг юртга қайтган Анвар ака хўнарымандларни кўйлаб-қувватлаш борасидаги ишлар жонланиб қолганини кўриб, бешиқсозлиқни қайта йўлга қўйди. Ўз устида ишлаб, фаолиятини ривожлантириб, 2018 йилдан буён кўйлаб бешиқ кўргазмалари, “Ташаббус” кўрик-танловлари, Қўқон фестивалида мубаффақиятли иштирок этди. Изланувчан хўнарыманд учун буларнинг барчаси улкан тажриба мактаби вазифасини ўтади. Маҳорати тобора ортиб борди. 2020 йилда у халқ амалий санъати бўйича электрон каталогдан жой олди.

Бешиқсозлиқни ҳудудларга ёйишни истаган уста айни пайтда қўшни туманлар, ҳатто бошқа вилоятлардан ҳам шоғирдлар олишга тайёр. Бунинг учун барча имкониятлари етарли, ўрганувчиларни ётар жой, озиқ-овқат билан таъминлаш муаммо эмас. Вилоят ҳокимлиги томонидан “Гулистон” МФЙ ҳудудидан ажратиб берилган 4 сотих жойда алоҳида устакхона ташкил этган. Энг муҳими, бу ерда 10 га яқин ўғил болалардан ташқари, турмуш ўртоғи Гулнора Усмонова бошчилигида маҳалладаги 5 нафар қиз доимий иш, 2 нафар аёл касаначилик билан банд. Устакхонада ясаётган бешиқларнинг ёпқичлари ҳам шу



ернинг ўзидеги текилиб, тайёр ҳолатга келади.

— Аввалгилар бешиқ анжомларини бозордан сотиб олиб келиб безатар эдик, — дейди Гулнора опа. — Кейинроқ ўйлаб қарасам, бешиқнинг анжомларини ўзимиз тайёрласак, яхшигина фойда ҳам қиламиз. Шу мақсадда бешиқ абзаллари тикишни ўрганишга қарор қилдим. Бир ўзимга албатта оғир, 5 нафар қизни ишга олдик. Ҳозир шоғирдларим билан нафақат бешиқ анжомлари, балки туманимиздаги мактабгача таълим ташкилотларига миллий кўғирчоқлар тикиб тайёрлаймиз, гипсдан миллий хайкалчалар ҳам ясаймиз.

Опанинг шу ўқув йилида Андижон давлат университети талабаси бўлганидан қувондик. Тасвирий санъат муҳандислик графикаси бўйича тахсил олаётган хўнарыманд олийгоҳда меҳнат таълими фани ўқувчиликори талабалар кўргазмали курул сифатида у ясаган кўғирчоқлар, хайкалчаларни сотиб олишга буюртма берди. Миллий расмлар чиздирди истагидаги миқозлари ҳам кам эмас.

Гулнора опа миллий кўғирчоқларнинг янги кўринишларини ясаш, уларни боғчаларга етказиш режалари ҳақида гапирар экан, давлатимиз раҳбарининг шу йил 19

январдаги видеоселектор йиғилишини кўз олдимдан ўтди. Миллат маънавиятига берафқ бўлмаган ҳар қандай инсон, айниқса, соҳа жонқуярлари ўша йиғилишда таъкидлаб ўтилган аччиқ ҳақиқатларни унутмагани аниқ. Шу маънода Гулнора опа ҳамкорлик қилаётган таълим муассасалари мутасаддиларини маънавиятимиз жонқуярлари, дейиш мумкин. Зеро, маънавиятга, миллийликка ҳурмат болалар боғчасидан сингдириб борилса, таълимнинг кейинги босқичларида у боланинг руҳиятидан мустаҳкам жой олади. Бешиқчиликнинг ортидан кўйлаб хўнарларни ўрганишга эришган Гулнора опаанинг бир гапидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. “Маҳалламиз ёшлари амалий санъати, қўл меҳнати билан туманга, вилоятга, республикага танилса, нуфузли кўргазмалар, танловларда қатнашса, деб орзу қиламан. Ёшларга хўнар ўргатиш, шу орқали оилаларига қўт-баракка келишига сабабчи бўлиш ҳам катта бахт”.

Хўнарда ҳикмат кўпчилигини ёшларга сингдиришни ўйлаб юрадиган Анвар аканинг келажақ режалари ҳам эътиборимизни тортди.

У эзгу мақсадлари йўлидаги илк қадамни тумандаги 8-мактабдан бошлаган. Мактаб директори билан келишиб, бешиқсозлик бўйича маҳорат дарси ўтказган куннинг эртасига 4 нафар ўқувчи шоғирдликка келди, уларнинг барчаси ҳам таъминланган, ёки эндигина оёққа тураётган оилалар фарзандлари. Бугун улар бепул хўнар ўргатиб, ясаган бешиқларига ҳақ тўлайдиган устознинг этагидан маҳкам тутган. Шу ўринда айтиш жоизки, туманда Анвар акадан ташқари яна 2 нафар бешиқсоз уста бор. Улар ҳам шоғирдлар тайёрляпти. “Бир маҳалла — бир маҳсулот” йўналишида тизимли ишлар олиб борилаётган бир пайтда нега Жалақудуқни бешиқчилар юртига айлантириш мумкин эмас?

Анвар аканинг ягона истаги — бешиқчиликда ҳам кластер яратиш. Негаки, айни пайтда хомашёнинг четдан олиниши эвазига таннархнинг юқори экани уни ўйлантиради.

— Кластернинг самарадорлигини пахтачиликда аниқ-тиниқ кўрялмиз, — дейди хўнарыманд. — Шу маънода биз ҳам хомашёни ўзимиз етиштириш, таннарх арзонлашди. Мисол учун, ҳозир ёғочни Россиядан олиб келаётганимиз боис, энг арзон бешиқимиз 175-180 минг сўмдан сотиляпти. Ўтган йили эса шу бешиқлар баҳоси 125 мингдан бўлган. Бугун энг олди бешиқларимиз 350 мингдан 500 минггача кўтарилиб кетди.

Анвар ака сув ҳам чиқадиган, тошлоқ, унмдорлиги паст ерлардан тол плантацияси яратиш учун бир гектар жой оломқчи. Узоғи икки йилда бешиқча ярайдиган топлардан ҳар йили хомашё олиш имконияти мавжуд.

Бутун дунё коронавирус пандемиясидан зарар чекаётган бир пайтда, шунингдек, ўтган йилги қўчайтирилган карантин шароитида ҳам бир зум тинмаган хўнарыманднинг бешиқлари етказиб бериш хизмати орқали хонадонларга кириб борди. Солиқларнинг 25 фоизга қисқартирилиши, ундан ташқари, берилган имтиёзлар ҳам тадбиркорга анча қўл келди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўлмас қадриятларимиз яшар экан, бешиқсозлик умрбоқий хўнаригича қолаверади. Болагон юртимизда эса қақалоқлар туғилаверади, бешиқсозлар бешиқ ясайверади.

ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК

МИЛЛАТЛАР ВА КОНФЕССИЯЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР —

МАМЛАКАТ БАРҚАРОРЛИГИ ГАРОВИ



ШУХРАТ ЁВҚОЧЕВ, Ўзбекистон халқаро ислом академияси биринчи проректори, сиёсий фанлар доктори, профессор

Бугун мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги босқичга қадам қўйди. Буни янги Ўзбекистоннинг ташқи ва ички сиёсатидан тортиб, иқтисодий-ижтимоий, маданий ҳамда диний-маърифий соҳалардаги туб ислохот ва эврилишларда ҳам кўриш мумкин. Президентимиз ташаббуси ва халқимиз бирдамлигида қабул қилинган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосидаги янгиланишлар том маънода халқимиз ҳаётидаги фаровонлик ва мамлакат тараққиётида ўз бўй-бастини кўрсата бошлади.

Сўнгги йилларда юртимизда диний-маърифий, таълим-тарбия соҳасида амалга оширилган ислохотлар ва унинг натижалари халқаро ҳам-жамият томонидан ҳам юқори баҳоланаётди. Мамлакатимизда турли миллат ва конфессиялар ўртасида ўзаро ҳурмат, бирдамлик ва ҳамкорлик муҳитини мустаҳкамлаш, маданиятлараро мулоқотни таъминлашга қаратилган ишчи ва пухта ўйланган сиёсат халқаро ҳамжамият томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланмоқда.

Этиборлики, БМТ Бош Ассамблеясининг 2017 йил 19 сентябрда Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган 72-сессиясида Президентимиз Шавкат Мирзиёев илгари сурган ташаббуслари асосида “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюция қабул қилинди. Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган ҳужжат лойиҳаси БМТга аъзо

барча давлатлар томонидан бир овоздан маъқулланди.

Бу резолюциянинг асосий мақсади барча учун таълим олиш имкониятини тақдим этиш, саводсизлик ва билимсизликни бартараф қилишдан иборат. Ҳужжатда бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни ўрнатиш, диний эркинликни таъминлаш, диндорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг камситилишига йўл қўймасликка катта эътибор қаратилган.

Мазкур резолюция жаҳонда экстремизм, терроризм муаммоси авж олиб, турли дин ва эътиқод вакилларига нисбатан тоқатсиз, мурасиз муносабатлар кузатилаётган бир вақтда глобал таҳдидларга қарши курашининг самарали воситаси сифатида маърифат, таълим-тарбия масаласини илгари сургани билан, айниқса, аҳамиятлидир.

Дарҳақиқат, Бош қонуимизнинг 4-моддасида Ўзбекистон ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одат ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлаши, уларнинг ривожини учун шароит яратиши алоҳида кўрсатиб ўтилган бўлса, 18-моддада мамлакатимизда жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, барча қонун олдида тенглиги белгиланган бўлибди.

2017 йил 19 майда Президентимизнинг “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинганди. Мазкур ҳужжатда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш каби масалаларнинг ус-

дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамланишини таъминламоқда.

Уларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги, манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим олиш, касб-ҳунар эгаллаш, миллий анъана ҳамда қадриятларини ривожлантириш учун барча зарур шароитлар яратиб берилган. Турли миллат ва дин вакилларининг ҳар қандай тажовуздан беҳавотир ўз ибодатларини эмин-эркин адо этишлари эса жамият барқарорлигида устувор жиҳат.

Бунинг аҳамиятини Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида миллатлараро муносабатлар масаласига алоҳида эътибор қаратганидан ҳам англаш мумкин. Давлатимиз раҳбари жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш заруратини қайд этиб, БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияси билан ҳар йили 30 июль Халқаро дўстлик кўни сифатида кенг нишонланиши, шу боис, мазкур санани Ўзбекистонда Халқлар дўстлиги кўни деб белгилашни тақлиф этгани юртимизда истиқомат қилувчи кўп миллатли фуқароларимизни бениҳоя қувонтирди.

Ўзбекистоннинг бу соҳадаги саъй-ҳаракатлари дунёнинг нуфузли сиёсатчилари, давлат ва жамоат арбоблари томонидан ҳам қўтаринкилик билан қўтиб олинмоқда. Хусусан, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Зайд ал-Хусайн ўз интервьюсида бугунги таҳликали замонда Ўзбекистондаги мавжуд динлараро ва миллатлараро тотувлик ҳамда диний-маърифий соҳадаги ислохотлар турли давлатлар учун ўрнатқ бўлишга лойиқ эканини қайд этиб ўтди.

Мамлакатимизда бу соҳада ижобий ва ўзаро ҳурматга асосланган муҳитни мустаҳкамлашга қаратилган ислохотлар натижасида миллатлараро ва динлараро муносабатларнинг янги тизими яратилди. Мазкур тизим турли миллат ва дин вакиллари ўртасидаги миллатлараро ва динлараро мулоқот, конструктив ёндашув ва барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигига асосланади.

Минг йиллар давомида Буюк ипак йўлининг муҳим чорраҳаси бўлиб келган юртимиз тараққиётида халқимизга хос бағрикенглик, меҳмондўстлик, ўзга маданият вакилларига ҳурмат туйғуларини асосий омиллардан бўлган. Бугунги кунда ҳам ўлкаимизда турли халқлар урф-одат ва анъаналари ўзаро уйғунлиқда ривожланиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, Президентимиз томонидан диний маърифат соҳасида юритилаётган сиёсат ҳақиқий маънода дунё мамлакатларида тинчлик, оқойишлатлик ва барқарорликнинг асоси бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

ҚУЛАЙЛИК



Ногиронлиги бўлган шахслар ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам саналади. Улар ногиронлик нафақаси олиш ёки керакли имтиёزلарга эга бўлиш учун соғлиги ҳолати қайд этилган маълумотларни тўплаб, тегишли жойларга тақдим этиши талаб этилади. Аммо бу жараён кўпгина овозгарчиликларни келтириб чиқаради.

ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАНЛАР УЧУН ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОРМА

Тиббиёт муассасалари эшиги олдида навбат қўтиб туриш, у идорадан бунисига қатнаш имконияти чекланган инсонларнинг руҳияти ва соғлиғига салбий таъсир қилиши ҳеч гап эмас. Бу каби овозгарчиликларга барҳам бериш мақсадида 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастуриди имконияти чекланган фуқароларга ногиронлиги бўлган шахс макомини бериш жараёнини оптималлаштирувчи электрон маълумотлар тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш вазифаси белгиланган. Бу бўйича Инновацион ривожланиш, Соғлиқни сақлаш, Адлия вазирликлари ва БМТ Тараққиёт дастури ҳамкорлигида қатор ишлар бажарилди.

Имконияти чекланганлар учун электрон платформа яратилгани шундай хайрли ишлардан бири бўлди. Платформанинг қўлайлиги ва афзалликлари хусусида батафсил маълумот олиш учун Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси бошлиғи Умарали НАЗАРМАТОВ билан суҳбатлашдик.

— Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амбулатор карта тизими ташкил қилинган бўлиб, ногиронлиги бор шахснинг ҳаёти давомида ўтказган касаллиги, олган муолажалари, қандай текширувлардан ўтгани бўйича маълумотлар тўплами шакллантирилади. Бу жараён тиббий меҳнат экспертиза ходимлари ва эксперт шифокор томонидан электрон тизим орқали платформадан олиб ўрналиди. Шундан сўнг фуқаронинг ногиронлиги белгиланади, — дейди У.Назарматов. — Илгари фуқаронинг ногиронлиги ҳақида маълумотлар текширилганда, тиббий меҳнат эксперт комиссияси маълумотномаси А ва Б қисмга бўлинарди. А қисми Пенсия жамғармасига юборилса, Б қисми ногиронлиги бўлган шахснинг қўлига бериларди.

Бироқ инсон омили деган тушунча бор. Тиббий меҳнат эксперт комиссиясининг ногиронлиги кўрсатадиган маълумотномаси ўз вақтида тегишли жойга етказилмаслиги ёки фуқаронинг ёдидан чиқиши каби ҳолатлар ҳам учраб турган. Оқибатда керакли муддатда нафақа тайинланмагани сабабли қатор норозиликлар, сарсонгарчиликлар келиб чиққан.

— **Электрон автоматлаштирилган тизимдан нимадан қутулмоқда?**

— Ногиронлиги белгиланган шахснинг маълумоти узоғи билан 3 иш кўни давомида электрон базага киритилиши талаб этилади. Нега 3 кун? Бу ҳам техник ҳолатларга боғлиқ. Ногиронлик белгиланган кун тасдиқланган, бу маълумот электрон платформага интеграллашган барча вазирлик ва идоралар компьютерида қўрилади. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳам базага киритилган маълумот орқали ногиронлик нафақаси тайинлайди.

— **Мониторинг қандай олиб борилади?**

— Агар фуқаронинг ногиронлик муддати бир йил деб белгиланса, қайд этилган вақт келгандан сўнг маълумот автоматик равишда базадан ўчади. Илгари белгиланган муддат тугагандан кейин ҳам ногиронлик ҳақидаги маълумот сақланиб қоларди. Натижада ҳужжатдан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари кузатилган. Инсон вафот этгандан кейин ҳам нафақа олиш ҳолатлари кўп учраган. Энди электрон тизим орқали бу каби бетартибликка барҳам берилди. Ногиронлиги бор шахс ҳужжат учун сарсон бўлмайди. Барча иши автоматлаштирилган платформа орқали ҳал этилади.

Ҳозир 11 та хизматимизни интеграция қилишга эришдик. Тўққизта вазирлик ва идорага боғланганми. Базага ногиронлиги бўлган, 16 ёшдан катта 640 минг нафардан зиёд шахс ва ногиронлиги бўлган, 16 ёшгача 107 минг нафар-

дан ортиқ бола тўғрисидаги маълумотлар киритилган. Базанинг модернизация қилинганга бир йилдан ошди. Шу кунга қадар эса уни такомиллаштиришга ҳаракат қилиб келямиз. Электрон платформа тиббий меҳнат эксперт комиссияси дастури сифатида ишга туширилган.

— **Платформада ногиронларнинг қандай маълумотлари сақланади?**

— Базада ногиронлиги бўлган шахснинг исм-фамилияси, туғилган санаси, яшаш жойи, миллати, жинси, паспорт рақами ва серияси, ногиронлик гуруҳи, ногиронлик белгиланган сана ва амал қилиш муддати, ногиронлиги бўлган шахснинг маълумоти, касби, оилавий аҳоли, ишлаш ёки ишламаслиги, неча фарзанди борлиги, қайси маҳаллада туриши тўғрисидаги маълумотлар киритилади. Ногиронлиги бўлган шахснинг бошқа манзилдан кўчиб келгани ёки кўчиб кетгани, қолаверса, Пенсия жамғармаси билан интеграциядан ўтгани борасидаги саволларга жавоб бериладиган жой мавжуд. Имконияти чекланган фуқарога нафақа тайинлангани ҳақида ҳам хабардор бўлиб туриш мумкин.

Электрон платформага махсус логин ва парол орқали кирилади. Чунки ундан ўрин олган маълумотлар ногиронлиги бўлган инсонларнинг шахсига тегишли. Ногиронлиги бўлган кишининг руҳсатисиз маълумотларни тарқатишга ҳаққимиз йўқ. Фақат электрон ҳуқумат орқали интеграциялашган бошқа вазирлик ва идоралар ўзаро ҳамкорлик қилиши мумкин.

Инновацияларни ҳаётга тадбиқ этиш ва уларнинг амалиётда қай даражада самара беришини ўрганиш борасида чет эл тажрибасидан фойдаланишга ҳаракат қилиялми. Кўплаб давлатларда шу соҳада бажарилаётган ишлар билан яқиндан танишиб чиқдик. Жўмладан, Европанинг айрим давлатларида ногиронлиги белгиланган фуқаронинг маълумотномаси компьютерга тўлиқ киритилгандан кейин махсус мослама орқали расми қўйилган ID картага ўхшаш пластик карта берилди. Ногиронлиги бўлган шахс шу карта орқали ўз имтиёзларидан бемалол фойдаланади.

Ушбу замонавий ва қўлай усулни юртимизда ҳам жорий этишга ҳаракат қилиялми. Мухими, имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг овозгарчиликларига чек қўйилади.

Бундан ташқари, электрон платформамизни Олий ва ўрта махсус таълим, Мактабгача таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари билан ҳам интеграция қилиш режалаштирилмоқда. Ҳўш, бундай интеграциялашув нима беради?

Табиики, мазкур вазирликлар тизимида имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган фуқаролар (болалар, ўқувчилар, талабалар) ҳам таҳсил олади. Ҳар йили бундай муассасаларга ногиронлиги бўлган ўғил-қизлар ўқишга ҳужжат топшириши ёки боғчага бориши табиий. Бундай болалар ҳақида керакли маълумотга эга бўлиш ниҳоятда муҳим. Бу ўқув муассасаларида керакли шароитлар яратиш, зарур педагог-кадрлар, дефектолог-педагоглар билан таъминлаш, ўқув-тарбия ишларини имконияти чекланган тарбияланувчи, ўқувчи ва талабаларга мослаштириш инклюзив таълим учун ҳаракатларини олдиндан прогноз қилиш имкониятини беради.

Севара АБДУЛЛАЕВА суҳбатлашди.

КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

МЕҲРСИЗ УЛҒАЙГАН КЎНГЛИМНИ СУЯГАНЛАРГА ТАЪЗИМ



Аҳмад КАМИНОВ, Чилонзор туманидаги 22-Меҳрибонлик уйи собиқ тарбияланувчиси

Уч ёшимда ота-онам ажрашган. Шундан кейин отам билан яшадим. Етти ёшга тўлганимда отам қарашга имконияти йўқлиги туфайли мени Меҳрибонлик уйига топширишга мажбур бўлди. Яна айрим сабаблар туфайли мактабга 8 ёшда бордим. Яхши ўқиганим учун тезда 2-синфга ўтказилди. Шу тариха тенгдошларимга етиб олдим.

Меҳрибонлик уйида ҳамма шароит муҳайё, ота-она меҳри ўрнини ҳеч нарса босолмаса-да, тарбиячи ва ўқитувчиларимиз ғамхўр, меҳрибон эди. У ерда менга яхши тарбия беришди. 9-синфни тугатганимдан кейин Тошкент транспорт коллежига ўқишга кирдим. Коллеж ётқонхонасида яшай бошладим.

3-курсни тамомлаётган пайтимда Учтепа тумани ҳокимлигидан кўнжирок бўлди. Ҳокимликка келишимни тайинлашди. Борганимда менга уй ажратилаётгани, эрта-индин топширилишини айтишганида, ростки, ишонгим келмади. Янги қурилган, шаҳар кўрғига-кўрк қўшиб турган уйлари кўрғанимда кўнглим ортиқча кетар, қанийди менинг ҳам шундай уйим бўлса, дея орзу қилардим.

Орадан уч-тўрт кун ўтган, яна кўнжирок қилиб қақширди. Ҳокимлик вакили аввал ўзининг уйига олиб бормоқчилигини айтди. Сергели туманида қурилган янги уйлар олдида тўхтади. Замонавий лифтада бешинчи қаватга кўтарилаётганман, бундай меҳмондорчилик менга бироз шубҳали туюлар, бошимда минг хил ўй чарх урарди. Кўнглим сезган экан, улар менга “сюрприз” тайёрлашди. “Бу сенинг уйинг,

мана қалити, ўзинг эшикни очиб кир”, дейишганида қаттиқ ҳаяжонландим. Эшикни очарканман, янги таъмирдан чиққан, барча қўлайликларга эга уй “қулиб” тургандек туюлди. Кўзёшимни беркитишга қанча ҳаракат қилмай, эпллолмадим.

Йиллар давомида ота-она меҳрига зор, ўқисп яшадим. Ҳаёт йўлларида адашмаслик, жамиятга керакли бўлиб етишишда инсонга суянчиқ бўладиган омилларнинг аҳамияти катта. Янги уй оstonасига қадам қўйар эканман, ана шу суянчани — мени ҳаётга муҳаббат билан қараш, камол топишга ўндовчи кучни топагандек эдим. Ўз уйимга қадам қўйган илк лаҳзалар бир умр хотирамда муҳрланиб қолди. Мамлакат чоғиданоқ ҳаёт зарбасига дуч келган, ота-она меҳридан мосуво мендек инсон учун бу катта яхшилик эди. Мен Ватан ичигади кичик ватан — ўз уйимга эга бўлдим.

Ҳозир Тошкент темир йўл механика заводида ишлаяпман. Бу йил Тошкент темир йўл муҳандислари институтига ўқишга ҳужжат топшираман. Уқишимни шу ерда давом эттироқчиман. Оила қарови, фарзандли бўлиш ниятим бор.

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг

